

Эмоционал ҳолатларнинг экспрессияси тавсифининг чоғиштирма таҳлилидан аён бўлишича, айрим алоҳида ҳолларда бадиий асарлар муаллифлари психологларга қараганда инсоннинг эмоционал ҳаётини ишонарлироқ тарзда тасвирлашади, чунки уларни, биринчи навбатда, қаҳрамонларининг ҳис-туйғулари ва эмоциялари қизиқтиради.

Ойбек Ахмедов (ЎзДЖТУ)

ҲАРБИЙ СОҲАГА ОИД ИНГЛИЗЧА АКРОНИМ ВА АББРЕВИАТУРАЛАРНИНГ ЎЗБЕКЧА ТАЛҚИНИ ХУСУСИДА

Аннотация. Ушбу мақолада инглиз ва ўзбек тилларидаги қисқартма (акроним ва аббревиатура) ҳарбий терминларларининг таржимада ифодаланиши ва лексик-семантик хусусиятлари ёритиб берилган. Соҳа терминлари бир нечта лексик-семантик гуруҳларга ажратиб таҳлил қилинган. Ҳарбий соҳага оид қисқартма терминларни қўллашда йўл қўйилиши мумкин бўлган турли чалкашлик ва ғалатликларнинг олдини олиш мақсадида баъзи тавсиялар берилган.

Аннотация. В данной статье отражено выражение и перевод лексико-семантических особенностей военных сокращенных терминов (акронимы и аббревиатура) и их особенности в узбекском и английском языках. Отраслевые термины распределены на несколько лексико-семантических групп. Даны некоторые рекомендации по предотвращению стилистических погрешностей и типичных ошибок, которые встречаются в военной лексике в данной сфере.

Annotation. This article deals with lexical-semantic peculiarities/features and translation problems of military acronyms and abbreviations in English and Uzbek languages. Military terms are analyzed in division of lexical-semantic groups. As well as, some recommendations have been worked out in order not to have confusions and errors in translation of military terms.

Калим сўзлар: ҳарбий терминлар, акроним ва аббревиатуралар, адекватлик, лексик-семантик хусусиятлар, яқка таркибли термин, таржима, сўз бирикмаси.

Ключевые слова: военные термины, акронимы и аббревиатуры, адекватность, лексико-семантические особенности, однокомпонентный термин, перевод, словосочетание.

Key words: military terms, acronyms and abbreviations, translation, lexical-semantic peculiarities, one componential terms, adequacy, word combination.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги ПҚ-1875-сонли «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа Вазирининг 2013 йил 9 сентябрдаги «Ҳарбий соҳада чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш» бўйича 711-сонли буйруғига мувофиқ Республикамиз Қуролли Кучлари тизимида хорижий тилларни ўрганиш бўйича ижобий ўзгаришлар, ислохотлар рўй бермоқда.

Республикаимизнинг олий ҳарбий таълим муассасаларида, жумладан, янги ташкил топган Ўзбекистон Республикаси миллий гвардия институтида ҳам Европа Иттифоқининг «Чет тилларни эгаллашнинг умумевропа компетенциялари: ўрганиш, ўқитиш ва баҳолаш» тўғрисидаги ҳужжати халқаро меъёрлардан келиб чиққан ҳолда, таълим жараёнида хорижий тилларни ўрганиш ва ўргатиш бўйича янги авлод дастурлари ишлаб чиқилди.

Давлат таълим стандарти талабларига мувофиқ, ўқув фанларининг мақсад ва вазифалари олий ҳарбий таълимнинг барча босқичларида чет тилини ўқитишнинг асосий мақсади ўрганувчи (курсант)ларнинг кундалик, илмий ва ҳарбий касбга оид йўналишларда самарали фаолият олиб боришлари учун чет тилида коммуникатив компетенцияни нафақат шакллантириш, балки уни ривожлантиришдан иборатдир. Бўлажак ҳарбий мутахассисларга чет тилларни ўргатиш жараёнида таржима ва соҳа терминларини пухта ўзлаштириш му-

хим аҳамиятга эга. Шу боис олий ҳарбий таълим муассасаларида тил ўрганувчи (курсант)-ларнинг ўз мутахассислиги бўйича таржима кўникмаларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилади.

Ҳарбий соҳадаги таржима оғзаки ва ёзма таржима малакаларидан иборат бўлиб, қисқартма (акроним ва аббревиатура) терминлар илмий, ҳарбий ва ҳарбий-сиёсий матнларнинг таркибий қисми сифатида майдонга чиқади ва улар нутқ фаолиятининг оғзаки ва ёзма турининг узвийлигини таъминлайди.

Республикамизнинг Куролли Кучлар тизимида халқаро алоқаларнинг кенгайиб бориши соҳа терминологик тизимида ҳам ўз ифодасини топмоқда. Бу ҳол мутахассисларга соҳа терминологик тизимини такомиллаштириш жараёнида хорижий мамлакатлар ҳарбий тизимидаги тажрибаларни ижодий ўрганиш, янги адабиётлардан фойдаланиш, учрашув ва кўргазмалар ташкил қилиш, рўзнома ва журналлар, халқаро ҳужжатларда учрайдиган ҳарбий соҳага оид акроним ва аббревиатуралар (қисқартма термин)ни таржима қилиш асосида уларни матнга мос тарзда тўғри қўллаб, тўғри талқин этиш масъулиятини юклайди. Акс ҳолда, халқаро меъёрий ҳужжатларда қўлланадиган акроним ва аббревиатуралар нотўғри изоҳланиши, матндаги маъносига зид талқин этилиши мумкин.

“Тилда асосан кўп бўғинли лексемалар ва бир неча компонентдан ташкил топган номинатив функцияни бажарувчи лексик бирликлар қисқартирилади ва улар, асосан, от туркуми доирасида амалга оширилади. Инглиз тили сўз ясалиши иерархик босқичларидаги сўнгги тур аббревиация ва акронимлар бўлиб, ҳарбий соҳада улардан фойдаланиш ўзбек тилига нисбатан анча кенг тарқалган”.¹

Д.С.Лотте тўғри таъкидлаганидек, термин аниқ, қисқа ва лўнда бўлмоғи керак.² Шу маънода ҳарбийлар амалиётида қўлланадиган айрим кўп компонентли қўшма (бирикмали) терминлар оғзаки ва ёзма нутқда бирмунча ноқулайликларни келтириб чиқаради.

“Тилшуносликда аббревиацияга ёндаш бўлган бошқа лингвистик ҳодисалар ҳам мавжуд. Синкопа, анокопа, аферизис, эллипсис каби тил универсалиялари шулар жумласидан. Аббревиациянинг назарий масалалари тилшуносликда етарлича, чуқур ёритилмагани сабабли баъзида унинг объекти бўлмаган бирликларга ҳам қисқартмалар деб қаралади”.³

Аббревиатуралар, асосан, сўз бирикмалари компонентларининг бош ҳарфлари асосида вужудга келган қисқартмалардир:

Терминларни таржима қилиш жараёнида аббревиатура ва акронимларни элементларга ажратиб, уларнинг ҳар бир элементи лексик-семантик маъно ифодаловчи лексема эканлиги, таржимада қисқартмаларга кенгайтириш йўли орқали аниқлик киритиш, содда-лаштириб талқин қилиш мақсадга мувофиқ. Шундай экан, таржимада уларнинг дифференциал хусусиятлари ҳам назарда тутилса, йўл қўйилиши мумкин бўлган турли чалкашлик ва ғализликларнинг олди олинади.

Куролли Кучлар мутахассислари ҳарбий соҳага оид адабиётлар ва ҳужжатларда учратиши мумкин бўлган инглизча ҳарбий қисқартмаларни тушунишини осонлаштириш мақсадида бир қатор акроним ва аббревиатураларни тақлиф қиламиз:

MC – *Military Coalition* – “Ҳарбий коалиция/иттифоқ”, MS – *Military Secretary* – “Ҳарбий котиб”; MC – *Movement Control* – “Ҳаракатлар назорати”; RAF – *Royal Air Force* – “Буюк Британия қироллик ҳаво кучлари”; INTERCO – *International Code of Signals* – “Сигналларни халқаро кодлаш”, ARRL – *American Radio Relay League* – “Америка радио узатиш лигаси”, AAD – *Anti-Aircraft Defence* – “Ҳаво ҳужжумидан ҳимояланишга қарши”,

¹Ахмедов О.С. Инглиз ва ўзбек тилларида солиқ-божхона терминларининг лингвистик таҳлили ва таржима муаммолари. Филол.фанлари.док....дисс., Т., 2016.

²Лотте Д.С. Основы построения научно-технической терминологии. М., 1961.

³Нишонов П. Француз ва ўзбек тиллари юридик терминологиясининг қиёсий-типологик тадқиқи. Филол. фанлари номзоди...дис. автореф., Т., 2009.

FEEG – Field Electron Emission Gun – “Ўзи отар замбарак/пушка”, CNAS – Corpus Naval Air Station – “Денгиз ҳаво кучлари авиабазаси”.

Акроним ва аббревиатуралар ҳарбийларнинг вақти ва кучини, қувватини тежайдиган тил воситалари бўлса-да, ҳамиша ҳам қисқартмаларни яхлитлигича (шундайлигича) қўллаш мулоқотда ва таржимада ўзини оқламайди. Уларни тўғри тушунишда таркибий қисмларини тасниф қилиш, структура тузилмаларини ажратиш, ҳар бир элементи ўзига хос мустақил лексик-семантик маъно ифодаловчи сўз бўлаги эканлигини англаш билан уларни кенгайтириш йўли орқали таржима қилиш лозим бўлади. Айрим манбаларда қисқартмаларни ифода этиш ва тасниф қилиш, одатда, барча турдаги мураккаб термин ёки сўзларнинг бош ҳарфларини олиб қисқартириш йўли орқали соддалаштириш кенг тарқалган усул эканлиги таъкидланади.

Ҳарбий соҳа амалиёти доирасида кўзланган мақсадга эришиш учун инглиз тилидаги акроним ва аббревиатура терминларини бир нечта ЛСГга ажратиб кўрсатамиз:¹

А) Қуrolли Кучлар тизимида ташкилот, идора, уюшма номларини ифодаловчи акроним ва аббревиатуралар:

NATO – North Atlantic Treaty Organization – “Шимолий атлантик иттифоқи ташкилоти”, ICAO – International Civil Aviation Organization – “Халқаро фуқаролар авиация ташкилоти”, ITU – International Telecommunication Union – “Халқаро телекоммуникация бирлашмаси”, IMO – International Maritime Organization – “Халқаро денгиз флоти ташкилоти”, FAA – Federal Aviation Administration – “Федерал авиация маъмурияти”, ANSI – American National Standards Institute – “Америка миллий стандарт институти”, MC – Military Court – “Ҳарбий суд (трибунал)”, RASC – Royal Army Service Corps – “Буюк Британия ҳарбий хизмат бирлашмаси”, BMA – Board of Military Appeals – “Ҳарбий ишлар юзасидан ишқоятларни кўриб чиқувчи бошқарма (идора)”, MA – Military Alliance – “Ҳарбий Иттифоқ”, OPP – Office of Military Public Prosecutor – “Ҳарбий прокуратура”, MA – Military Academy – “Ҳарбий академия”, MH – Military Hospital – “Ҳарбий госпитал”, GH – General Headquarters – “Бош штаб” ва ҳ.к.

Б) Ҳарбий соҳага оид расмий ҳужжат ва унвон номларини ифодаловчи терминлар:

WL – War Loan – “Ҳарбий заём/кредит”, MA – Military Agreement – “Ҳарбий битим”, DO – Defence Order – “Ҳарбий буйруқ/буюртма”, CB – Commander of Battalion – “Батальон командири”, GA – General of the Army – “Армия генерали”, C – Colonel – “Полковник”, LC – Lieutenant Colonel – “Подполковник”, M – Major – “Майор”, O – Officer – “Офицер”, Pro – Provost – “Маршал”, NSO – Naval Staff Officers – “Денгиз флоти офицерлари”, GMRA – General Major of Royal Artillery – “Буюк Британия”, MOC – Military Officer in Charge – “Ҳарбий бошлиқ”.

В) Ҳарбий соҳада фаолият юритаётган ходимларга хизмат кўрсатиш (сервис)-да учрайдиган акроним ва аббревиатуралар (акр/аббр) турлари:

APO – Army Postal Office – “Ҳарбий почта хизмати”, C – Canteen – “Ошхона”, JAG – Judge Advocate-General – “Бош маслаҳатчи/консультант”, MS – Medical Station – “Тиббий пункт”, DS – Dental Service – “Стоматология”, PHS – Printing House and Stationery – “Канцелярия ва напшиёт”, TM – Transport Means – “Транспорт воситалари”, RS – Railway services – “Темир йўл хизмати”, IWT – Inland Water Transport – “Ички сув йўли хизмати”, FR – Flat Rent – “Квартира ижараси” ва ҳ.к.

Инглиз тили ҳарбий терминологик тизимида турли сўз бўлақларидан таркиб топган яқка компонентли терминларни ҳам қисқартириш ўзига хослик касб этади. Масалан:

mlzd – militarized – “ҳарбийлашган”; cpt – captain – “капитан”; mlt – militaristic – “ҳарбий руҳдаги”; mjr – major – “майор”; at – antiterror – “анти терроp”; amt – amount –

¹ Мақолада ЛСГ қисқартмаси “Лексик семантик гуруҳ” маъносида қўлланилди.

“миқдор”; *cld* – *cleared* – “тозаланган”; *g* – *general* – “генерал”; *brg* – *brigade* – “гуруҳ, жамоа, отрядъ”; *tr* – *transport* – “транспорт”; *s* – *supply* – “таъминот”; *adjt* – *adjutant* – “адъютант, ёрдамчи”; *grd* – *guard* – “қоровул”, *rjm* – *regiment* – “полк, қўшин” ва ҳ.к.

Инглиз тилидан фарқли тарзда, ўзбек тилида бирикмали, мураккаб шаклдаги ҳарбий соҳа аббревиатуралар оғзаки нутқда камдан-кам ҳоллардагина қисқартирилган шаклда қўлланади. Жумладан, *ТОҲТБЮ* – *Тошкент олий ҳарбий техника билим юрти* – *Tashkent Military Technical Institute*, *МВ* – *Мудофаа вазирлиги* – *Ministry of Defense*, *ИИБ* – *Ички ишлар вазирлиги* – *Ministry of Internal Affairs*, *ДХХ* – *Давлат хавфсизлик хизмати* – *State Security Service*, *ААТ* – *Автоматлаштирилган ахборот тизими* – *Automated Information System* шулар жумласидан. Синхрон таржима жараёнида, одатда, термин бирикмалар қисқартирилмай яхлитлигича (кенгайтирилган ҳолда) қўлланилади. Масалан, *T.R.B* – *The Rifle Brigade* – “*Пиёда аскарлар гуруҳи*”; *R.A.M.C* – *Royal Army Medical Corps* – “*Буюк Британия ҳарбий тиббий бирлашмаси*”; *A.F.R.U* – *Armed Forces of the Republic of Uzbeistan* – “*Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари*”; *A.R.C.T* – *Air Raids on Civilian Targets* – “*Ноҳарбий мақсадлар учун мўлжалланган ҳаво парвозлари*” ва ҳ.к.

Ижтимоий-иқтисодий ва илмий тушунчаларни ифодалаш жараёнида қўшма ва бирикмали терминларнинг муқобили бўлмиш акроним ва аббревиатуралар оғзаки ва ёзма нутқнинг тежамкор воситаси вазифасини бажаради. Мазкур хусусият аксарият инглиз тили ҳарбий терминларига хос бўлиб, таржимада уларни таркибини ташкил этувчи сўзларнинг ўзаро ички боғлиқлигига аниқлик киритиб, кенгайтирилган шакл орқали талқин қилиш мақсадга мувофиқ.